

Киши Куръони каримни уч хил услубда ўқиши мумкин. Булар: тартил, тадвир ва хадр.

Тартил – Куръони Каримни шошмай, харфларини дона-дона килиб, оятлар маъносини тадаббур килган холда, тажвид коидаларига риоя килиб ўқиш. Тартил энг яхши кироат тури саналади. Аллох таоло Ўз Пайгамбари соллаллоху алайхи васалламга хам Куръони Каримни худди мана шундай килиб ўқишни амр килган: «
...ва Куръонни тартил билан тиловат килинг!
» (Муззаммил, 4).

Тартилда мадларнинг чўзилиш миқдори куйидагича:

1.
Лозим мад ва лийн лозим мад – олти харакат;
2.
Муттасил мад – беш харакат;
3.
Мунфасил мад – беш харакат;
4.
Ориз мад ва лийн ориз мад – олти харакат;
5.
Табиий ва бадал мад – икки харакат.

Тадвир

– тажвид коидаларига амал килган холда Куръони Каримни ўртача тезликда ўқиш. У афзалликда тартилдан кейинги ўринда туради.

Тадвирда мадларнинг чўзилиш миқдорлари куйидагича:

1.
Лозим мад ва лийн лозим мад – олти харакат;
2.
Муттасил мад – тўрт харакат;
3.
Мунфасил мад – тўрт харакат;
4.
Ориз мад ва лийн ориз мад – тўрт харакат;

5.
Табиий ва бадал мад – икки харакат.

Хандр

– тажвид коидаларига амал қилган холда Куръони Каримни тез ўқиш.

Хандрда мадларнинг чўзилиш миқдорлари қуйидагича:

1.
Лозим мад ва лийн лозим мад – олти харакат;

2.
Муттасил мад – тўрт харакат;

3.
Мунфасил мад – икки харакат;

4.
Ориз мад ва лийн ориз мад – икки харакат;

5.
Табиий ва бадал мад – икки харакат.

Киши ушбу турларнинг қайсинисини маъқул кўрса, ўша бўйича Куръони Каримни тиловат қилиши мумкин. Тажвид илми уламулари кироатнинг тўртинчи тури сифатида **тахкик**

ни келтирадилар. Бу Куръонни тартидан ҳам секинрок ўқишдир. Мазкур услуб Куръони Каримни таълим беришда қўл келади. Лекин шунинг унутмаслик керакки, тахкик билан ўқишда харакатларни ўз миқдоридан ортикча чўзиш ҳамда ифротга йўл қўйиш мумкин эмас.